



МЎЙНАЛИ БУЮМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАЙЁРЛОВ-БИЧИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Холиқова Нигора Шухратовна

*Бухоро мухандислик-технология институти
докторанти.*

Пулатова Сабоҳат Усмоновна

*Бухоро мухандислик-технология институти
профессори.*

Аннотация: Ушбу мақолада Республикамизда бозор алоқаларини шаклланишида табиий чармлар ишлаб чиқариш саноатида маҳсулотни бозорга рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш ҳозирги куннинг асосий муаммоларидан бири эканлиги ва маҳаллий хомашё ҳисобланган қорақўл теридан тикилган кийимларини тайёрлашда инобатга олиниши керак бўлган тери тукли қатламининг тадқиқ этилиши тўғрисида.

Калит сўзлар: қорақўл, тери, ассортимент, лойиҳалаш, истеъмолчи, тикувчилар, технолог, дизайнер. комбинация, ишлаб чиқариш, истеъмолчи, технология.

Аннотация: В данной статье при формировании рыночных отношений в нашей Республике повышение конкурентоспособности и качества продукции в отрасли производства натурального меха является одной из основных проблем современности, а также об исследованиях мехового слоя кожи, что следует учитывать при изготовлении одежды из кожи черного козла, считающейся местным сырьем.

Ключевые слова: каракуль, кожа, ассортимент, дизайн, потребитель, портные, технолог, дизайнер. сочетание, производство, потребитель, технология

Annotation: In this article, in the formation of market relations in our Republic, increasing the competitiveness and quality of products in the natural fur industry is one of the main problems of our time, as well as research on the fur layer of the skin, which should be taken into account when making clothes from black goat skin, which is considered a local raw material.


Keywords: Karakul, leather, assortment, design, consumer, tailors, technologists, designers. combination, production, consumer, technology.

Дунё миқёсида азалдан табиий мўйнадан тайёрланган кийимлар энгил саноат маҳсулотлари бозорида доимий равишда талабга эга бўлиб, улар нафақат ҳашаматли кийим атрибути вазифасини, балки совуқдан ҳимоя қилиш



зарурати функциясини ҳам бажариб келмоқда [83]. Мода ривожланиши йўналишлари ҳақидаги ахборот жаҳонда тезкорлик билан оммавийлашиши сабабли маҳаллий мўйнали кийим-кечак ишлаб чиқарадиган корхоналар стратегияси ҳам ўзгарди. Маҳаллий дизайнерлар жаҳон мўйнали кийимлар дизайни тажрибасидан фойдаланган ҳолда ўз корхоналари мўйна маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси ва технологиясини ишлаб чиқишига имкон яратилди. Бугунги кунда жаҳон мўйнали маҳсулотларининг асосий тенденцияларини оммалаштириш, мўйна турлари, кийим ассортименти ва нархлари бўйича истеъмолчилар имтиёзларини ўрганиш корхоналарнинг маркетинг режасининг асосини ташкил этади[84].

Мўйнали бичиқларни тайёрлаш ишлари асосий ва ёрдамчи тайёрлов жараёнларидан ташкил топади. Териларни саралашга тайёрлаш, қабул қилиб олиш ва назорат текшируви, ажратиш, панжа ва думларни кесиш, териларнинг қорин ёки бел қисмидан кесиш, ҳар бир терининг юзасини аниқлашдан иборат бўлади. Мўйнали ярим тайёр маҳсулотни миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича қабул қилиш ҳар бир мўйна бўйича давлат стандартлари талаблари ёки териларга ишлов бериш бўйича техник шартларга мос тарзда амалга оширилади [12-256 б.,13-17].




1.2- расм Қўзи териси топографик қисмлари:

1- сағри; 2- орқаси; 3- яғрини; 4- ёнбоши; 5- сон; 6- елка; 7- бўйин; 8- қорин; 9- дум; 10- бош; 11- оёқлар; 12- чоклари.

Ишлаб чиқаришда саралашни амалга оширишнинг мақсади товар ва технологик хусусиятлари бўйича бир хил териларни танлаб олишдан иборатдир. Натижада, терилар битта турдаги мўйна, тизма, ранг, нав, тук қатламининг баландлиги ва қуюқлиги, жингалакларнинг шакли, ўлчами (юзаси) ва бошқа белгилар бўйича танланади. Териларнинг ташқи кўриниши, сифати, эксплуатацион хусусиятлари ва нархи берилган ассортимент билан боғланган бўлиши лозим. Мўйнали кийимларнинг устки деталигаярамайдиган турлари қўшимча тарзда сараланади ва улардан авраси тўқимачилик материаллардан



бўлган кийимлар (пальто, жилетлар, кўлқоплар) учун мўйнали астар тайёрланади



1.2-расм. Мўйнали ярим тайёр маҳсулотни бичишга тайёрлашнинг технологик жараёни.

Муайян буюм ишлаб чиқаришда мўйна терисининг ўлчами ҳисобга олинади. Мўйна териси юзасининг ўлчами мўйнали ярим тайёр маҳсулотнинг рационал бичими ва бичиш усуллари танлашга таъсир қилади.

Мўйна териси юзасининг чизиқли ўлчамлари ҳайвонларнинг тури, ёши, жинси, зоти, озиклантириш ва сақлаш шароитлари, иқлим шароитлари терининг тузилишига ва унинг хоссаларига боғлиқдир [7-184 б.,18-198 б.]. Тери қатлами қайишқоқ-пластик материалдир ҳисобланади. Тери тўқимасини намлаб чўзиш натижасида коллаген толалари тўғриланади ва улар параллеллашади, бу эса мўйна териси юзасининг кенгайишига олиб келади. Намлаш ва тўғрилаш жараёнлари мўйна фойдали юзасини кўпайтириш ҳамда нуқсонларни бартараф қилишда кесиб чизиқларини текислаш имконини бериб, бу табиий мўйна каби қимматбаҳо материал учун жуда муҳимдир [19-41-42 б.,20-160 б.].

Териларни ишлаб чиқаришда саралашнинг якуний босқичи деб териларини муайян буюмга тайинлаш ҳисобланади. Натижада, буюмга кетадиган терилар йиғмасимиқдори бўйича ишлаб чиқариш партияларига жамлашамалга оширилади [6-248 б.,21-40-41 б.]. Терилар партияси битта турдаги мўйна ярим тайёр маҳсулотининг тури, тизма, ранги, нави, нуқсонлар гуруҳи, ялтироқлиги, тук қатламининг баландлиги ва зичлиги, жингалаклар ва ўлчамлар (юза) ва бошқалар асосида жамланган бўлиши зарур. Ишлаб чиқариш партиясидаги териларнинг миқдори ярим тайёр маҳсулотнинг тури, унга ишлов бериш (табиий ёки бўялган), тайёрланаётган буюмнинг модели ва унинг юзасига боғлиқ бўлади.



Мўйнали кийим бир қанча териларни битта яхлит бўлакка бирлаштириш орқали олинганлиги учун буюмга одатда тахминан бир хил юзали [22-10-11 б.] териларнинг маълум сони танлаб олинади (масалан, мўйна туридан келиб чиққан ҳолда аёллар пальтосига 5 тадан 300 тагача), терилар сони Бу каби буюмларни эстетик идрок этилиши бичиш услуги ва буюм деталларида териларни жойлаштириш усулига боғлиқ бўлади.

Ярим тайёр маҳсулотдан фойдаланишни меъёрлаштириш (буюмга сарфланадиган миқдорни ҳисоблаш). Буюмга кетадиган терилар сони - мўйна ярим тайёр маҳсулотининг маълум модел ва ўлчамдаги буюмни тайёрлаш учун зарур бўлган миқдордир. У dm^2 ёки терилар сони билан ифодаланиши мумкин ва биринчи ҳолда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K = \frac{S_l}{K_u} 100 \quad (1.1)$$

Иккинчи ҳолда формула бўйича

$$K = \frac{S_l \cdot S_{sh}}{K_u} 100 \quad (1.2)$$

Бу ерда S_l - буюм андозасининг юзаси, dm^2 ; K_u - ярим маҳсулотдан фойдаланилганлик коэффиценти, %; S_{sh} - битта терининг юзаси, dm^2 .

Бичиш жараёнида ярим тайёр маҳсулот юзасининг қайси қисми қўлланишини фойдаланиш коэффиценти кўрсатади. У мўйна тури, унинг товар ва технологик хусусиятлари, буюм моделининг мураккаблиги ва ўлчами, бичиш услубига боғлиқ. Териларни бичиш мўйна ишлаб чиқариш технологиясининг асосий жараёнларидан бири бўлиб, буюмни ташқи кўриниши, шакли ва сифати танланган бичиш услуги ва бичиқ деталларида териларни жойлашувига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Адабиётлар таҳлили, ва маҳаллий ҳамда хорижий мамлакатларнинг иш тажрибасини ўрганишда, бичишда буюм моделининг мураккаблиги, мўйна тури, унинг сифати, шакли ва териларнинг чизиқли ўлчамлари ва юзаси, тук қатламининг ўзига хосликлари, тери тўқимаси қаватининг қалинлиги ва ярим тайёр маҳсулотнинг бошқа физик-механик хусусиятларини ҳисобга олиб танланади [7-184 б., 8-160 б., 10-192 б., 23-224 б., 24-120 б., 25-193 б., 26-221 б.].

Мўйнали ярим тайёр маҳсулотларни бичиш учун териларни бичишнинг ҳам оддий, ҳам мураккаб услублари қўлланилади [7-184 б., 8-160 б.]. Қорақўлнинг турли мўйнали ярим тайёр маҳсулотлари гуруҳи учун бичиш услуги тук қатламининг нақши, гажак шакли, буюмни тайёрлашга ва дизайнер ғояси асосида танлаб олинган жами олинган териларнинг бир хиллигини ҳисобга олиб танланади.

Териларни оддий бичиш ҳам қимматбаҳо, ҳам унчалик қиммат бўлмаган мўйналардан буюмларни тайёрлашда фойдаланилади. Бичишнинг оддий услубларига бир ёки бир нечта буюмларни олиш мақсадида (масалан, ёқалар, безаклар, манжетлар ва бошқалар) андозалар бўйича териларни қисмларга



бичиб олиш; ўлчамлари бўйича бир хил бўлган пластиналарни олиш учун маълум шаклдаги андозалар бўйича териларни бичиб олиш; териларни кўндаланг бирикмаларни қўллаган ҳолда бичиш кабилар киради [8-160 б., 25-193 б.].

Одатда қоракўлни бичишда андозалар қўлланилмай, балки максимал ўлчамдаги пластиналар ва мўйнали полотно бичиб олиниб, улар ён томонлар, панжалар ва асосий буюмни тайёрлаш учун ярамайдиган бошқа қисмларни кесиб олингандан сўнг олинади.

Андозалар шаклини танлаш ва ўлчамларини ҳисоблаш мураккаб жараён ҳисобланиб, уни ҳар гал ёки моделларни ўзгаришида ёки мазкур модел учун танланган терилар гуруҳининг дециметри ўзгарганида амалга оширилади. Ушбу жараённи амалга оширишнинг истиқболли йўналишлари-дан бири бу диалог режимида автоматлаштирилган ҳисоблаш усулидан фойдаланиш ҳисобланади.

Мураккаб бичиш услублари териларнинг шакли ва ўлчамларини сезиларли даражада ўзгартириш, тук қатламининг зичлигини камайтириш, тук қатламини бир хил қилиш ёки унинг йўналишини ўзгартириш, буюмга керакли тусни бериш имконини беради. Мураккаб бичишнинг энг кўп тарқалган услубларига эритиш, ёпиштириш, бўлиш, ўтказиш, тикиш ва поғонали бичиш, тук қатламининг йўналишини ўзгартириш кабилар киради [23-224 б., 24-120 б.].

У ёки бу услубни танланиши умумий тарзда мўйна тури, унинг тук қатламини ўзга хосликлари, тери тўқимаси қатлами ва терининг чизиқли ўлчамлари ҳамда ярим тайёр маҳсулотни бичиш натижасида олиниши лозим бўлган эффектга боғлиқ бўлади [7-184 б.]. Қоракўл гуруҳидаги териларини мураккаб усуллар билан бичишда бўлиш, эритиш, ёпиштириш ва тикишни қўллаш тавсия этилади [25-193 б.].

Териларни бичишнинг классик услуби билан биргаликда териларни бичишнинг янги мураккаб услубларидан фойдаланилиб, улар турли хил рангли териларни бичиш ва битта буюмда бирлаштиришдан иборат бўлади. Бу каби териларни бичишнинг мураккаб услубларига «тарқатиб юбориш» кириб, у терининг кенглигини ҳисобига узунлигини ошириш ва буюм пластикасини яхшилаш имконини беради ва бу эса дунёдаги барча мўйна корхоналарида қўлланилиб келинмоқда [27-224 б.].

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Тошева, Нигора Мухиддиновна, and Нигора Шухратовна Холикова. "Золотошвейные изделия бухарских эмиров." Молодой ученый 9 (2015): 1302-1306.
2. Холикова Н. Ш., Нуриддинова М. У. Золотошвейное искусство Бухары // Молодой ученый. – 2014. – №. 8. – С. 298-301.



3. Холикова Н. Ш. МАРКЕТИНГОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ПОТРЕБИТЕЛЬСКОГО СПРОСА ДЛЯПРОЕКТИРОВАНИЕ ЖЕНСКИХ ВЕРХНИХ МЕХОВЫХ ИЗДЕЛИЙ //Современные инженерные проблемы в производстве товаров народного потребления. – 2019. – Т. 29. – С. 141.

4. Отамурадов Ж. О. Подсистема проектирования одежды промышленного производства по индивидуальным заказам населения //Молодой ученый. – 2016. – №. 9. – С. 261-263.

5. Холиқова Н., Пулатова С. ҚОРАҚЎЛ ТЕРИДАН КИЙИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ТЕРИ ТУКЛИ ҚАТЛАМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ //Interpretation and researches. – 2023. – Т. 2. – №. 3.

6. Холикова Н. Ш., Ибодова И. И. РАЗВИТИЕ РЫНОЧНЫХ ТЕНДЕНЦИЙ ПУШНО-МЕХОВЫХ ТОВАРОВ И ИЗУЧЕНИЕ ИХНИЕ СВОЙСТВА //Вестник магистратуры. – 2021. – №. 6-1 (117). – С. 15-16.

7. Холикова Н. Ш., Ибодова И. И. СВОЙСТВА И ОСОБЕННОСТИ МЕХА В ПРОЕКТИРОВАНИЕ ОДЕЖДЫ //Вестник магистратуры. – 2021. – №. 6-1 (117). – С. 17-18.

8. Xoliqova N., Pulatova S. QORAKO 'L TERIDAN KIYIMLARNI TAYYORLASHDA RANGNING ANAMIYATI //Interpretation and researches. – 2023. – Т. 2. – №. 3.

9. Холикова Н. Ш., Баходиров С. Б. Анализ потребительских предпочтений меховых изделий в мировом рынке //Вестник магистратуры. – 2019. – №. 4-3. – С. 39.

10. Холикова Н. Ш., Каримов О. У. Основы совершенствования тенденций формирования женских верхних меховых изделий //Вестник магистратуры. – 2019. – №. 4-3. – С. 42.

11. Отамурадов Д. О., Асланова З. Р., Ибрагимова И. З. Художественные особенности узбекского национального костюма //Молодой ученый. – 2016. – №. 12. – С. 985-988.

12. Холикова Н. Ш., Каримов О. У. Характеристика исходных данных для проектирования женских верхних меховых изделий //Вестник магистратуры. – 2019. – №. 4-3. – С. 37.